

# Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасидаги кимё саноат маҳсулотларининг 11 июнь санасидаги савдо якунлари

// 11.06.2021

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/birja20210611>

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасидаги ўз савдо майдончали орқали ташкилот тизимидағи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган кимё маҳсулотлари савдосининг 2021 йил 11 июнь санасидаги якуни бўйича маълумотларни тақдим этади.

Жорий йилнинг 11 июнь куни "Ўзкимёсаноат" АЖ тизимидағи корхоналар томонидан Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси очиқ биржа савдолари орқали 9012 тонна 24446,0 млн. сўмлик минерал ўғитлар сотилди. Бир кун олдин бу кўрсаткич юқори бўлган яъни 10 июнь куни 25652,0 млн. сўмлик 9977 тонна минерал ўғитлар сотилган.

Биржа савдоларига ташкилот тизимидағи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган аммиакли селитра, карбамид, сульфат аммоний, аммофос, PS-Агро, калийли ўғитлар, суперфосфат азот-фосфорли ўғит каби маҳсулотлар қўйилди. Савдога қўйилган минерал ўғитлардан аммиакли селитра энг кўп сотилган маҳсулот бўлиб, сотовнинг 61,5 фоизини ташкил этди.

Шунингдек, "Ўзкимёсаноат" АЖ тизимидағи корхоналар томонидан минерал ўғитлардан ташқари бугунги кун саноатида кенг қўлланилаётган ПВХ, каустик сода, формалин, натрий гипохлорид, кальцинацияланган сода, азот кислотаси ва суюқ кислород каби бир қатор кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Улар ҳам доимий равишда биржа савдоларига қўйиб борилади. 11 июнь куни жами 1557,2 млн. сўмлик бошқа турдаги кимё маҳсулотлар сотилди. Бир кун олдин бу кўрсаткич паст бўлган, яъни 10 июнь куни 793,8 млн. сўмлик бошқа турдаги кимё маҳсулотлари сотилган. Сотовнинг асосий қисмини яъни 83,2 фоизини бошқа турдаги маҳсулотлар ташкил этди.

Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасидаги "Ўзкимёсаноат" АЖ савдо майдончали орқали ташкилот тизимидағи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар савдоси бўйича барча маълумотларни [www.uzkimyosanoat.uz](http://www.uzkimyosanoat.uz) расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги <https://t.me/uzkimyosanoat> ва <https://www.facebook.com/uzkimyosanoat/> расмий саҳифалари орқали олишингиз мумкин.

Маҳсулотларни етказиб бериш ва уларнинг сифат даражаси бўйича таклиф ва эътиrozларингиз бўлса, (78) 140-74-48 ишонч телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин.

**"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизмати**